



doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-1-2>

UDC: 338.1

ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКСДАГИ РАҚОБАТ КУРАШИ ВА УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШТИРОКИ

Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич,

иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ходим,
Инновацион ривожланиш вазирлиги “Илмий-техник ахборот маркази”,
ORCID: 0000-0001-8712-1902, e-mail: abduvaliev06051981@gmail.com

Кириш

Сўнги беш йилда Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолият сезиларли ривожланди ва мазкур жараёнларнинг асосини мамлакатда амалга оширилаётган туб таркибий ислохотлар, тараққиёт стратегияси, барқарор иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий муҳит ташкил этди.

Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопарклар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс (ГИИ) рейтингда жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатлари қаторига кириши бўйича улкан мақсад белгиланди. Ушбу мақсадни амалга оширишнинг асоси илм-фан соҳасини замонавий иқтисодий шароитларга мослаштиришдир. Зеро, иқтисодий ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларнинг ривож-

Аннотация. *Инновацион ривожланиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини баҳолаш, устувор йўналишларини белгилаш ва истиқболда ривожлантириш зарур бўлган заиф нуқталарини аниқлашда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган Глобал инновацион индекс (ГИИ) рейтингда Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада ГИИ рейтингда мамлакатнинг муносиб ўрин эгаллаши, иқтисодиёт учун долзарблиги ва асосий йўналишлари очиб берилди. Жаҳон мамлакатлари ўртасида ГИИ рейтингда муносиб ўрин учун рақобат ҳолатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самарадорлиги очиб берилган. ГИИ рейтингда 50 та илғор мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси таҳлил қилинди ва 2030 йилда Ўзбекистоннинг мазкур рўйхатдаги мамлакатлар қаторига кириш имкониятлари ўрганилди.*

Калит сўзлар: *Глобал инновацион индекс (ГИИ), илм-фан, инновация, рейтинг, иқтисодиёт, ислохотлар, самарадорлик, рақобат, мамлакатлар.*

КОНКУРЕНТНАЯ БОРЬБА В ГЛОБАЛЬНОМ ИННОВАЦИОННОМ ИНДЕКСЕ И УЧАСТИЕ В НЕМ УЗБЕКИСТАНА

Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич,
кандидат экономических наук,
старший научный сотрудник
Центра научно-технической информации
Министерства инновационного
развития



Аннотация. В целях оценки эффективности проводимых реформ в сфере инновационного развития, определения приоритетных направлений, а также выявления слабых позиций для их дальнейшего совершенствования важным является участие в рейтинге Глобального инновационного индекса (ГИИ), признанном мировым сообществом. В статье раскрыты основные направления и преимущества достижения высоких результатов в рейтинге ГИИ. Проанализирован процесс конкуренции по достижению высоких позиций в рейтинге ГИИ между странами. Раскрыта эффективность проводимых реформ Республики Узбекистан по развитию инновационной деятельности. Проведен анализ экономических уровней развития стран в рейтинге топ-50 ГИИ и обоснована возможность по вхождению Узбекистана в данную группу к 2030 году.

Ключевые слова: глобальный инновационный индекс (ГИИ), наука, инновация, рейтинг, экономика, реформы, эффективность, конкуренция, страны.

COMPETITION IN THE GLOBAL INNOVATION INDEX AND PARTICIPATION OF UZBEKISTAN IN IT

Abduvaliev Abdulaziz Abduvalievich,
Doctor of Philosophy in Economic Sciences (PhD),
Senior Researcher,
Ministry of Innovative Development,
Center for Scientific and Technical Information

Abstract. In order to assess the effectiveness of ongoing reforms in the field of innovative development, identify priority areas and weak points in their further improvement, it is important to participate in the Global Innovation Index (GII) rating recognized by the world community. Therefore, this article reveals the main directions and benefits for the economy of achieving high scores in the GII ranking. The competition to achieve high positions in the GII ranking between countries has been analyzed. The effectiveness of the reforms implemented in the Republic of Uzbekistan on the development of innovation activity has been revealed. Economic levels of development of the Top 50 countries in the GII ranking have been analyzed and the feasibility for Uzbekistan to join this group by 2030 - justified.

Keywords: Global Innovation Index (GII), science, innovation, ranking, economy, reforms, efficiency, competition, countries.

ланиш тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, глобал бозордаги ҳолати ва ўрни бевосита мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланганлиги ҳамда инновацион салоҳиятига асосланади. Чунки жаҳон бозорларида тобора фаоллашаётган рақобат муҳити янги технологиялар ва инновацияларнинг барча соҳаларда кенг қўлланилишини тақозо этмоқда. Мазкур жараён кўплаб мамлакатларни саноатлашув жамиятидан билимлар жамиятига ўтишга ва энг асосийси, инсон капиталини ривожлантиришга туртки бўлмоқда. Бу эса пировард натижада иқтисодиётнинг барча соҳа ҳамда тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишда уларнинг самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада дунё мамлакатларида инновацион ривожланиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини баҳолашда ҳар йили чоп этиладиган рейтинг ва таҳлилий маълумотларга асосланган ГИИ тўплами асосий восита ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг мазкур рейтингда муносиб ўрин эгаллаш зарурияти, аввало, мамлакатда шакллантирилаётган инновацион иқтисодиётга мустақил баҳо берилиши, жаҳон ҳамжамияти томонидан мамлакатда илм-фан ривожланиши ва унинг иқтисодиёт учун самарадорлиги билан асосланади. Шунингдек, халқаро инвесторлар учун мамлакат бўйича инвестицион сиёсатни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилишда фойдаланилади.

ГИИ, асосан, инновацияга баҳо бериш “йўллари”ни яхшилаш ва инновацион ривожланишга кўмаклашувчи мақсадли сиёсатни белгилаш, илғор тажрибаларни алмашишга мўлжалланган. ГИИнинг ҳар йиллик рейтинги аввалги йиллардаги рейтингга асосланади. Бу эса мамлакатлар учун улар томонидан инновацион иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини баҳолаш имконини беради.



Жаҳонда кўплаб олимлар мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига илм-фан ва инновацияларнинг ижобий таъсирига оид чуқур ҳамда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб боришган. А. Смит, Д. Рикардо, Н.Д. Кондратьев, Й. Шумпетер, А. Харман шулар жумласидан. Ўз навбатида, дунёга машхур олимларнинг назарий тадқиқотларига таянган ҳолда, Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асослари кўплаб маҳаллий олимлар томонидан ҳам тадқиқ этиб келинмоқда. Аммо маҳаллий олимлар томонидан бугунги кунга қадар ГИИ рейтингида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш имкониятлари, унинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобатбардошлигини ошириш муаммолари тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мақсади ГИИ рейтингининг иқтисодиёт учун долзарблигини асослаш, жаҳон мамлакатлари ўртасида ГИИ рейтингида рақобат ҳолатларини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини очиб бериш ва 2030 йил-

да Ўзбекистоннинг ГИИ рейтингида 50 та илғор мамлакатлар қаторига кириш имкониятларини таҳлил қилишга қаратилган.

Материал ва методлар

ГИИнинг ҳар йиллик рейтинги ва таҳлилий маълумотлари 2007 йилдан буён INSEAD бизнес мактаби, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва Корнель университети (АҚШ) томонидан амалга оширилмоқда.

ГИИ 7 та асосий йўналишдан иборат: бошқарув институтлари; инсон капитали ва тадқиқотлар; инфратузилма; бозор ривожланиши; бизнес ривожланиши; билимлар ва технологиялар соҳасидаги натижалар; ижодий фаолият натижалари. Ушбу йўналишлар 21 та тизимли блокларга асосланган. Рейтингни ҳисоблаш методологияси рейтингларнинг ҳар йиллик ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили ва иккита гуруҳ кўрсаткичлар – субиндексларнинг ўрта арифметик кўрсаткичи асосида ҳисобланади. Булар инновациялар ривожланишига қўйилмалар – харажатлар субиндекси (Innovation input) ва инновациялар ривожланишида амалий натижалар – натижалар субиндекси (Innovation output) (1-расм) [1, 9-б.].



1-расм. Глобал инновацион индекснинг асосий йўналишлари



Инновациялар натижаси – Харажатлар субиндекси (Innovation input) миллий иқтисодиёт таркибига инновацион фаолиятнинг бешта компонентлари бўйича баҳо берилади: 1. Институтлар. 2. Инсон капитали ва тадқиқотлар. 3. Инфратузилма. 4. Бозорнинг ривожланганлиги. 5. Бизнеснинг ривожланганлиги.

Инновациялар натижаси – Натижалар субиндекси (Innovation output) иккита компонентга асосланган ҳолда, инновацион фаолият натижаларига баҳо берилади: 6. Билимлар ва технологиялар соҳасидаги натижалар. 7. Ижодий фаолият натижалари.


Шу тариқа мамлакатнинг ГИИдаги рейтингини ташкил этувчи индекс ва субиндексларнинг батафсил таҳлили ҳар бир йўналишнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш имконини беради. Бу эса мамлакатда шаклланаётган инновацион иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашда фойдалидир. Мазкур таҳлил натижалари истиқболда мамлакатнинг инновацион ривожланишини прогнозлаштиришда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Ўзбекистон

учун, энг муҳими, ГИИ рейтингда энг юқори кўрсаткичларга эга мамлакатлар тажрибаси таҳлили янада рақобатбардош инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

ГИИ методологияси ҳамда умумэйтироф этилган иқтисодий ҳамда таққослама таҳлиллар асосида Ўзбекистоннинг ГИИ рейтингдаги ўрни динамикаси ўрганилди, унинг бошқа мамлакатлар олдидаги рақобатбардошлик жиҳатлари очиқ берилди. Мазкур таҳлиллар асосида истиқболда мамлакат рақобатбардошлигини янада ошириш йўллари тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили

2012–2021 йилларда ГИИда иштирок этган мамлакатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур рейтингда иштирок этувчи мамлакатлар сони ҳар йили ўзгариб боради. Масалан, 2012 йилда ушбу рейтингда 141 та мамлакат иштирок этган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони нисбатан қисқарган ва 132 та мамлакатни ташкил этган ҳамда бу кўрсаткич турли йилларда доимий ўзгариб борган (2-расм) [1-10].



2-расм. ГИИ рейтингда иштирок этган мамлакатлар жами сони

1-расм маълумотларига кўра, ҳар йили ГИИ рейтингда иштирокчи давлатлар сони ўзгариши мазкур рейтингда иштирок этаётган мамлакатлар ўртасида рақобат жараёнларидан далолат беради. Масалан, 2012 йилга нисбатан

2021 йилда рейтингни 14 та мамлакат тарк этган ва улар, асосан, рейтингни 49 дан юқори бўлган мамлакатлардир. Мос равишда рейтингга янги кирган мамлакатлар ҳам кузатилади (1-жадв.) [2, 18-19-б.; 10, 4-б.].




1-жадвал

ГИИ рейтингини тарк этган ва янги кирган мамлакатлар (2012–2021 йй.)

Рейтинг	Мамлакатлар	Рейтинг	Мамлакатлар
2021 йилда ГИИ рейтингини тарк этган мамлакатлар (2012 йил рейтингигадаги мамлакатлар)			
49	Мавритания	116	Лесото
77	Гайана	117	Уганда
80	Белиз	118	Венесуэла
82	Свазиленд	132	Сурия
101	Фиджи	137	Бурунди
105	Никарагуа	140	Нигер
106	Габон	141	Судан
2021 йилда ГИИ рейтингига янги кирган мамлакатлар			
52	Мауритус	127	Мьянма
89	Кабо Верде	130	Гвинея
119	Уганда		

Мамлакатларда инновацион фаолликнинг ошиши ҳисобига рўй бераётган рақобат жараёнлари ГИИда иштирок этаётган айрим мамлакатлар рейтингининг салмоқ-


ли пасайишига ҳам таъсир кўрсатди. Улар жумласига Баҳрайн (-37), Қатар (-35), Лиссабон (-31), Оман (-29) ва бошқа давлатлар киради (3-расм) [2, 18-19-б.; 10, 4-б.].



3-расм. 2012–2021 йилларда ГИИда рейтингини салмоқли пасайган мамлакатлар

Фикримизча, рейтингини салмоқли пасайган мамлакатларнинг истиқболда ГИИ рейтингини тарк этиш эҳтимоли ҳам юқори бўлади. Таҳлил даврида муҳим натижалардан бири бу айрим ривожланаётган

ҳамда ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларнинг рейтингдаги салмоқли ўсишини келтириш мумкин ва улар жумласига Ўзбекистон ҳам киради (4-расм) [2, 18-19-б.; 10, 4-б.].



4-расм. Айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар рейтингининг ўсиш кўрсаткичлари (2012–2021 йй.)



4-расм маълумотларига кўра, ГИИ рейтингида 40-ўриндан юқори ўсиш Филиппин, Эрон ва Ўзбекистонда, 30 дан юқори ўсиш кўрсаткичи Покистон, Туркия ва Вьетнамда кузатилган. Шунингдек, ГИИ экспертларининг хулосасига кўра, аҳоли жон бошига нисбатан ўрта даромадга эга бўлган мамлакатлар, жумладан, Хитой, Туркия, Вьетнам, Ҳиндис-

тон ва Филиппин глобал инновацион иқлимни ўзгартирди [10, 21-б.].

Жадал рақобат кураши 2012–2021 йилларда ГИИ рейтингида 50 та илғор мамлакатларда бўлганлиги ҳам кузатилади. Мазкур таҳлил асосида иккита мамлакатнинг ушбу даврда ўрни ўзгармаганлиги аниқланди. Булар – Швейцария (1) ва Швеция (2) (2-жадв.) [2, 18-19-б.; 10, 4-б.].

2-жадвал

2012–2021 йилларда ГИИнинг 50 талик рўйхатига кирган мамлакатлар

Рейтинг	2012 йил	2021 йил	Рейтинг	2012 йил	2021 йил
1	Швейцария	Швейцария	26	Словения	Янги Зеландия
2	Швеция	Швеция	27	Чехия Респуб.	Мальта
3	Сингапур	АҚШ	28	Кипр	Кипр
4	Финляндия	Буюк Британия	29	Испания	Италия
5	Буюк Британия	Корея Респуб.	30	Латвия	Испания
6	Нидерландия	Нидерландия	31	Венгрия	Португалия
7	Дания	Финляндия	32	Малайзия	Словения
8	Гонг Конг, Хитой	Сингапур	33	Қатар	БАА
9	Ирландия	Дания	34	Хитой	Венгрия
10	АҚШ	Германия	35	Португалия	Болгария
11	Люксембург	Франция	36	Италия	Малайзия
12	Канада	Хитой	37	БАА	Словакия
13	Янги Зеландия	Япония	38	Литва	Латвия
14	Норвегия	Гонг Конг, Хитой	39	Чили	Литва
15	Германия	Исроил	40	Словакия	Польша
16	Мальта	Канада	41	Баҳрайн	Туркия
17	Исроил	Исландия	42	Хорватия	Хорватия
18	Исландия	Австрия	43	Болгария	Таиланд
19	Эстония	Ирландия	44	Польша	Вьетнам
20	Белгия	Норвегия	45	Монтенегро	Ҳиндистон
21	Корея Респуб.	Эстония	46	Сербия	Россия
22	Австрия	Белгия	47	Оман	Греция
23	Австралия	Люксембург	48	Саудия Арабистони	Руминия
24	Франция	Чехия Респуб.	49	Мавритания	Украина
25	Япония	Австралия	50	Молдова	Монтенегро

2-жадвал маълумотлари ГИИ рейтингида юқори кўрсаткичларга эришишда мамлакатлар ўртасида фаол рақобат кураши мавжудлигидан далолат беради. Жумладан, мазкур рўйхатни 2021 йилда 2012 йилга нисбатан Қатар, Чили, Баҳрайн, Сербия, Оман, Саудия Арабистони, Мавритания ва Молдова тарк этган бўлса, уларнинг ўрнига Туркия,

Таиланд, Вьетнам, Ҳиндистон, Россия, Греция, Руминия ва Украина кирган. Белгилаш лозимки, рўйхатни тарк этиш ва унга янги мамлакатларнинг кириши ҳолати 40-рейтингдан юқорида жойлашган мамлакатлар ўртасида содир бўлган.


Мазкур даврда 5 та мамлакат ўз ўрнини ўзгаришсиз сақлаб қолган. Булар Швейцария, Швеция, Нидерландия, Кипр, Хорва-



тия. Мазкур ҳолат ушбу мамлакатларда инновацион ривожланиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барқарорлиги ва юқори самарадорлигини кўрсатмоқда.

2012–2021 йиллар ГИИ рейтингда 50 та илғор мамлакатлар таҳлилига кўра, энг юқори ўсиш кўрсаткичлари Хитой, Жанубий Корея, Франция, Япония, Болгария, АҚШ, Италия ва Германияга тўғри келади (5-расм) [2, 18-19-б.; 10, 4-б.].

5-расм маълумотларига кўра, Осиё мамлакатларидан Хитой, Жанубий Корея, Япония рейтингда юқори кўрсаткичларга эришган. Шунингдек, юқори рақобат курашини мазкур гуруҳнинг 20 талигида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, таҳлил даврида Люксембург, Янги Зеландия, Мальта, Эстония ва Бельгия ўз ўрнини йўқотган бўлса, Жанубий Корея, Франция, Хитой, Япония ва Австралия уларнинг ўрнини эгаллаган.



5-расм. 2012–2021 йилларда ГИИ рейтингда энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган мамлакатлар

Мазкур маълумотларнинг таҳлилидаги муҳим жиҳатларидан бири бу ГИИ рейтингда 50 талик мамлакатлар рўйхатида аҳоли жон бошига даромади ўртадан паст бўлган мамлакатлар иштирокининг ортганлигидир. Масалан, ушбу гуруҳга 2012 йилда фақат Молдова (50) [2, 18-19-б.] кирган бўлса, 2021 йилда 3 та мамлакат кирган: Вьетнам (44), Ҳиндистон (46) ва Украина (49) [10, 4-б.].

Аммо, шунга қарамасдан, аҳоли жон бошига нисбатан ўрта даромадга эга бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун рейтингда юқори натижаларга эришиш ривожланган мамлакатларга нисбатан мураккаб бўлади.

Фикримизча, илғор 50 та мамлакат рўйхатига кирган, ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар натижалари таҳлили (аҳо-

ли жон бошига даромади ўртадан юқори ва ўртадан паст даражадаги мамлакатлар), 30-ўриндан жой олган мамлакатлар таҳлили пировард натижада Ўзбекистон учун зарурий хулосаларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади (3-жадвал).

3-жадвал маълумотлари таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, 2012–2021 йилларда ГИИ рейтингда 50 та илғор мамлакат рўйхатидан юқори даромадли, ўрта даромадли ва ўртадан паст даромадли мамлакатлар ўрин эгаллаган. Шунга қарамасдан, таҳлил даврида устуворлик юқори даромадли мамлакатларда бўлган бўлса, 2018 йилдан бошлаб ушбу гуруҳда даромади ўртадан паст бўлган мамлакатлар кўпайган ва кейинги йилларда уларнинг сони 3 та ёки 4 тани ташкил этган.



Аҳоли жон бошига даромадлар бўйича ГИИ рейтингида 30-ўридан
50-ўрингача жойлашган мамлакатлар рўйхати

Рейтинг	2012 й. [2]	2014 й. [4]	2016 й. [5]	2018 й. [7]	2020 й. [9]	2021 й. [10]
30	Латвия	Кипр	Португалия	Словения	Испания	Испания
31	Венгрия	Италия	Кипр	Италия	Португалия	Португалия
32	Малайзия	Португалия	Словения	Португалия	Словения	Словения
33	Қатар	Малайзия	Венгрия	Венгрия	Малайзия	БАА
34	Хитой	Латвия	Латвия	Латвия	БАА	Венгрия
35	Португалия	Венгрия	Малайзия	Малайзия	Венгрия	Болгария
36	Италия	БАА	Литва	Словакия	Латвия	Малайзия
37	БАА	Словакия	Словакия	Болгария	Болгария	Словакия
38	Литва	С.Арабистони	Болгария	БАА	Польша	Латвия
39	Чили	Литва	Польша	Польша	Словакия	Литва
40	Словакия	Маврикий	Греция	Литва	Литва	Польша
41	Баҳрайн	Барбадос	БАА	Хорватия	Хорватия	Туркия
42	Хорватия	Хорватия	Туркия	Греция	Вьетнам	Хорватия
43	Болгария	Молдова	Россия	Украина	Греция	Таиланд
44	Польша	Болгария	Чили	Таиланд	Таиланд	Вьетнам
45	Монтенегро	Польша	Коста Рики	Вьетнам	Украина	Россия
46	Сербия	Чили	Молдова	Россия	Руминия	Ҳиндистон
47	Оман	Қатар	Хорватия	Чили	Россия	Греция
48	С.Арабистони	Таиланд	Руминия	Молдова	Ҳиндистон	Руминия
49	Маврикий	Россия	С.Арабистони	Руминия	Монтенегро	Украина
50	Молдова	Греция	Қатар	Туркия	Филиппин	Монтенегро

	Юқори даромадли мамлакатлар		Ўртадан паст даромадли мамлакатлар
	Ўртадан юқори даромадли мамлакатлар		Паст даромадли мамлакатлар (рўйхатда йўқ)

Юқорида келтирилган мамлакатлар ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш имко-
эришган натижалар таҳлили бу давлат- ниятини беради (4-жадв.) [2, 18-19-б.;
ларнинг Ўзбекистонга нисбатан кучли 10, 4-б.].

Аҳоли жон бошига нисбатан даромади ўртадан паст бўлган айрим
мамлакатларнинг ГИИ рейтинги ва субиндекси таҳлили (2012–2021 йй.)

Мамлакатлар	Йиллар	Рейтинг	Субиндекслар*						
			1	2	3	4	5	6	7
Вьетнам	2012	76	112	107	75	49	56	58	70
	2021	42	83	79	79	22	47	41	42
	(+/-)	34	29	28	-4	27	9	17	28
Ҳиндистон	2012	64	125	131	78	46	75	47	34
	2021	48	62	54	81	28	52	29	68
	(+/-)	16	63	77	-3	18	23	18	-34
Украина	2012	63	117	48	98	68	51	30	83
	2021	45	91	44	94	88	53	33	48
	(+/-)	18	26	4	4	-20	-2	-3	35
Филиппин	2012	95	132	121	69	106	72	59	108
	2021	50	90	80	86	86	33	24	65
	(+/-)	45	42	41	-17	20	39	35	43
Молдова	2012	50	78	55	85	96	104	31	32
	2021	59	81	77	82	74	87	54	53
	(+/-)	-9	-3	-22	3	22	17	-23	-21
Ўзбекистон	2012	127	133	35	111	125	89	89	138
	2021	86	94	72	72	24	123	77	113
	(+/-)	41	39	-37	39	101	-34	12	25

Субиндекслар: 1) институтлар; 2) инсон капитали ва тадқиқотлар; 3) инфратузилма; 4) бозорнинг ривожланганлиги; 5) бизнеснинг ривожланганлиги; 6) билим ва технологиялар; 7) ижодий фаолият.



4-жадвал маълумотларига кўра, 2012 йилга нисбатан 2021 йилда рейтингда энг юқори кўрсаткич Вьетнамда (42) кузатилган бўлса, ундан сўнг Украина (45), Ҳиндистон (48) ва Филиппин (50) да кузатилган. Белгилаш лозимки, таҳлил қилинган ушбу мамлакатлар айрим субиндексларида турли даврларда пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Вьетнам юқори кўрсаткичларга эришганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон кўрсаткичлари билан солиштирилиши натижасида “Институтлар”, “Бизнеснинг ривожланганлиги”, “Билимлар ва технологиялар” ҳамда “Ижодий фаолият” субиндекслари бўйича ортда қолиши кузатилади. Аммо “Инсон капитали ва тадқиқотлар” ҳамда “Инфратузилма” субиндекслари бўйича Ўзбекистон Вьетнамдан юқори кўрсаткичларга эришганлигини ҳам кўриш мумкин.

Мазкур ҳолат, фикримизча, шундан далолат берадики, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси – аҳоли жон бошига мамлакат даромади, ГИИ рейтингида юқори кўрсаткичларга эришмасликка сабаб бўлувчи ёки тўсқинлик қилувчи асосий омил эмас. Демакки, 2017–2021 йиллар Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатнинг 2030 йилда ГИИ рейтингида 50 та илғор мамлакатлар қаторига кириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан белгиланган вазифани бажариш имкониятини тасдиқлайди.

Мазкур вазифанинг тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон узоқ танаффусдан сўнг 2020 йилда ГИИ рейтингига кириб, нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асос яратилди ҳамда охириги тўрт йил мобайнида илмий ва инновацион фаолиятга доир меъёрий-ҳуқуқий

асосларни такомиллаштириш мақсадида 75 та ҳужжат қабул қилинди: 2 та Ўзбекистон Республикаси қонуни; 5 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони; 26 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори; 35 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори; 7 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши – меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси механизми, «Стартап» лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби жорий этилди ҳамда Илмий-техник кенгашлар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилди; ёшлар инновация маркази ҳамда республика ҳудудларида ёшлар технопарклари ташкил этилди; илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Инновацион технологияларни мамлакат иқтисодиётига фаол жорий этиш учун технологияларни трансфер қилиш амалиёти қўлланилмоқда. Шу мақсадда инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офиси ташкил этилди.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш учун:

– Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Инновация марказлари ташкил этилмоқда, улар негизида ҳокимиятлар билан биргаликда илмий ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қўшма танловлар ўтказилади;

– Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида “Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ташкил этилди;



– хусусий сектор маблағларини илмий фаолиятга жалб этиш мақсадида хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари томонидан илмий-тадқиқот лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилди;

– инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун венчур молиялаштиришни татбиқ этиш ва хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш мақсадида «UzVC» миллий венчур фонди таъсис этилди;

– илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг Ўзбекистондаги биринчи «тезлаткичи» – С.А.Т. Science Accelerator илмий стартап-акселератори яратилди.

Бугунги кунда умумий ҳисобда инновацион инфратузилмани яратиш борасида Ўзбекистонда 15 та инфратузилма объекти, жумладан, 9 та технопарк, 1 та бизнес-инкубатор, 1 та бизнес-акселератор, 2 та инновацион марказ ва 2 та инновацион полигонлар фаолияти йўлга қўйилган. 2022 йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида Ёшлар технопарклари ташкил этилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда ГИИ рейтингида ва хусусан, айрим субиндексларида ортда қолиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда 2030 йилгача мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга қаратилган иккита стратегик ҳужжат мамлакатнинг 2030 йилда ГИИ рейтингида илғор 50 та мамлакатлар рўйхатидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади, жумладан:

Биринчи ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон фармони билан тасдиқланган “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш” концепцияси. Мазкур концепция асосида қуйидаги йўналишлар бўйича илм-фанни босқичма-босқич ривожлантириш йўлга қўйилади:

– давлат ва хусусий сектор иштирокида фанга ажратиладиган маблағларни ЯИМга нисбатан кўпайтириш;

– ёш мутахассисларни илм-фанга кўпроқ жалб қилиш ҳисобига олимларнинг ўртача ёшини 39 ёшга етказиш;

– маҳаллий олимларнинг мамлакатда ва чет элларда мақола чоп этиш ва патент олиш фаоллигини ошириш;

– миллий илмий лабораторияларнинг фаолият юритиши;

– юқори қўшимча қийматга эга бўлган чуқур илм талаб этадиган ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган таркибий ўзгаришлар;

– илм-фан ютуқларини иқтисодиётнинг реал секторига татбиқ этиш.

Иккинчи ҳужжат – 2022–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси. Асосий мақсад – янги иш ўринлари яратишдан тортиб иқтисодий қийматни яратишгача бўлган барча асосий босқичларни ўз ичига олувчи узлуксиз (циклик) «инновация-капитал-инновация» экотизимининг креатив иқтисодиётини шакллантириш жараёнидаги ривожланиш.

Хулосалар

Узоқ танаффусдан сўнг Ўзбекистоннинг ГИИ рейтингида муносиб ўрин эгаллаши, айниқса, жаҳонда рўй бераётган жадал рақобат курашига бардош бериш ва истиқболда янада юқори кўрсаткичларга эришиш мақсадида 2012–2021 йилларда ГИИ рейтингларининг таққослама таҳлили амалга оширилди.

Таҳлил натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатнинг 2030 йилда ГИИ рейтингида 50 та илғор мамлакатлар қаторига кириш бўйича белгиланган вазифанинг бажарилишига аҳоли жон бошига даромад кўрсаткичи тўсқинлик қилувчи асосий омил эмас (Вьетнам, Ураина, Филиппин ва Молдова мисолида).

Чунки ГИИ рейтингида 2012–2021 йилларда аҳоли жон бошига даромадлар бўйича 30-50-ўринларни эгаллаган мамлакатлар таҳлилига кўра (3-жадвал), ушбу



оралиқдаги рейтингни юқори даромадли, ўрта даромадли ва даромади ўртадан паст мамлакатлар эгаллаган. Аммо таҳлил даврида юқори даромадли мамлакатлар сони кўп бўлганига қарамасдан, 2018 йилдан ушбу гуруҳда аҳоли жон бошига нисбатан даромади ўртадан паст бўлган мамлакатлар сони кўпайган ва уларнинг сони турли йилларда 3-4 тани ташкил этган. Ушбу ҳолат ривожланган мамлакатларга нисбатан иқтисодиёти ривожланаётган мамлакат-

лар рақобати ортаётганидан далолат беради.

Шунингдек, 2012–2021 йилларда ГИИ рейтингдан ўрин олган аҳоли жон бошига даромад кўрсаткичи бўйича барча гуруҳдаги мамлакатларда юқори даражадаги рақобат кузатилган. Бу ҳолатни, хусусан, ҳар йили рейтингда иштирок этувчи мамлакатлар сонининг ўзгариши ҳамда рейтингни тарк этган ва янги кирган мамлакатлар туркумида кузатиш мумкин.

REFERENCES

1. The Global Innovation Index 2015. Effective Innovation Policies for Development, p. 453.
2. The Global Innovation Index 2012. Stronger Innovation Linkages for Global Growth, p. 464.
3. The Global Innovation Index 2013. The Local Dynamics of Innovation, p. 417.
4. The Global Innovation Index 2014. The Human Factor in Innovation, p. 429.
5. The Global Innovation Index 2016. Winning with Global Innovation, p. 451.
6. The Global Innovation Index 2017. Innovation Feeding the World, p. 463.
7. The Global Innovation Index 2018. Energizing the World with Innovation, p. 430.
8. The Global Innovation Index 2019. Creating Healthy Lives – The Future of Medical Innovation, p. 451.
9. The Global Innovation Index 2020. Who Will Finance Innovation? P. 448.
10. Global Innovation Index 2021. Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. 14th ed. P. 226.
11. Mirziyoeva S.Sh. Analiz opita Uzbekistana po razrabotke strategiyi razvitiya strain i regionov [Analysis of the experience of Uzbekistan in developing a development strategy for countries and regions]. Upravlencheskoe konsultirovanie – Management consulting, 2019, no. 3, p. 50.
12. Globalniy indeks innovatsiyi (GII) – pozitsiya Respubliki Uzbekistan v reytinge [Global Innovation Index (GII) – the position of the Republic of Uzbekistan in the ranking]. Tashkent, Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan, 2020, p. 9.
13. Vasilyeva N.F., Kavura V.L. Modeli innovatsionnogo razvitiya ekonomiki: zarubejniy opit realizatsii [Models of Innovative Development of the Economy: Foreign Experience in Implementation]. Vestnik instituta ekonomicheskix issledovaniy – Bulletin of the Institute of Economic Research, 2016, no. 3, p. 78.
14. Kochetkov S.V., Kochetkova O.V. Model innovatsionnogo razvitiya ekonomiki [Model of innovative development of the economy]. Vestnik Voronezhskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of Voronezh State University. Series: economics and management, 2017, no. 2, p. 21.
15. Tseli v oblasti ustoychivogo razvitiya [Sustainable Development Goals]. Collection of statistical indicators of achievement of national SADTs in the Republic of Uzbekistan, 2019, p. 71.
16. Ekonomicheskiy rost i sozdanie rabochix mest v Uzbekistane: uglublyonnaya diagnostika [Economic growth and job creation in Uzbekistan: an in-depth diagnostic]. World Bank Group, 2018, p. 59.
17. The Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD). Available at: www.oecd.org/.
18. Global Innovation Index 2019: India Makes Major Gains as Switzerland, Sweden, U.S., Netherlands, U.K. Top Ranking; Trade Protectionism Poses Risks for Future Innovation. Available at: https://www.wipo.int/pressroom/en/articles/2019/article_0008.html/.

Тақризчи: Отажонов Ш.И., и.ф.д., Илмий ва инновацион фаолиятга оид дастурларни шакллантириш ва мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи, Инновацион ривожланиш вазирлиғи.